Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 152 (8892). ● 6 август, 1986 йил ● ЧОРШАНБА ● Баҳоси 3 тийин

МУКОФОТ МУБОРАК!

СССР Олий Совети Президиуми ўн биринчи беш йиллик топшириқлари ва социалистик мажбуриятларини бажаришда эришган муваффақиятлари учун СССР Алоқа министрлиги корхоналари ва ташкилотларининг меҳнатда алоҳида ўрнак кўрсатган ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг катта группасини СССР орден ва медаллари билан мукофотлади.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИ БУЙИЧА:

Пискент район алоқа тармоғи почтальони П. Жайбаров, Янгийўл шаҳар алоқа бўлими катта телеграфчиси О. Н. Ткаченко, «Союзпечать» Тошкент шаҳар агентлиги киоскачиси Н. А. Абдурахмонова, Тошкент шаҳар алоқа ишлаб чиқариш-техника бошқармаси почтальони А. Жабборов, Тошкент телеграфи телеграфчиси З. И. Камушкина, республика шаҳарлараро телефон станцияси телефонисти С. И. Каримова, республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение тармоғи ишчиси Т. Медевов, Тошкент темирйўли ҳузуридаги почтамти цех бошлиғи Г. П. Нагин, Ўзбекистон ССР Алоқа министри К. Раҳимов, Тошкент шаҳар телефон алоқаси бош бошқармаси катта инженери Е. А. Рябинина, республика шаҳарлараро телефон алоқаси телефонисти В. М. Суханов, 10-шаҳарлараро алоқа ва телевидение территориал маркази бошқармаси бош инженери Я. И. Шамуилов, Тошкент шаҳар почта алоқаси ишлаб чиқариш-техника бошқармаси телеграфчиси Н. А. Шелим Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан;

Тошкент ихтисослашган алоқа қурилиш-монтаж бошқармаси ишчиси Д. Б. Абдиев, Тошкент алоқа электротехника институти ректори Д. А. Абдуллаев, республика радиоэшиттириш, радиоалоқа ва телевидение тармоғи лабораторияси бошлиғи С. С. Губайдуллина, Тошкент телеграфи телеграфчиси В. И. Меркуленкова, республика шаҳарлараро телефон станцияси телефонисти Т. М. Пашина Халқлар Дўстлиги ордени билан;

шунингдек, 34 киши «Ҳурмат Белгиси» ордени билан, 2 киши II даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 17 киши III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан, 31 киши «Шавкатли меҳнати учун» медали билан, 39 киши «Меҳнатда ўрнак кўрсатганлиги учун» медали билан тақдирландилар.

ТЕРИМ ТЕХНИКАСИ ТАЙЁРМИ?

ОБЛАСТИМИЗ далаларида ғўза парваришида зарбдор кунлар давом этмоқда. Деҳқонларимиз табиий қийинчиликлар, сув танқислиги билан боғлиқ бўлган муаммоларни мардона меҳнатлари билан енгиб, тажриба, маҳоратларини ишга солиб, мўл ҳосил етиштириш учун астойдил кураш олиб бормоқдалар. Фидокорона меҳнатнинг илк натижалари кўзга ташланиб қолди. Олди карталардаги ғўзаларда кўсаклар сони кун сайин кўпаймоқда.

Бироқ, ғўзанинг кўкига, бўйига, дастлабки ҳосил тугунчаларига маҳлиё бўлиб, парваришни бироз бўлса ҳам бўшаштириш асло мумкин эмас. Ҳосилга-ҳосил қўшиш, кўсакларнинг бўлиқ бўлиб етилиши ва эрта очилишига эришиш асосий вазифадир. Шунинг учун август ойида вақтдан, ҳар бир имкониятдан омилкорлик билан фойдаланиш, ғўза парваришини табақалаштириб ўтказиш ва шу билан бирга янги ҳосил йиғим-теримига ҳам пухта тайёргарлик кўриш талаб этилади. Бу соҳадаги барча ишлар қаттиқ назорат остига олиниши, айниқса, пахта териш техникасининг ремонтини ўз вақтида ва сифатли тугалланишини таъминлаш ғоят муҳим вазифадир.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида 1986 йилги пахта ҳосилини машинада теришга ва тайёрлашга ҳозирлик кўриш соҳасидаги энг зарур тадбирлар» ҳақидаги қарорида бу вазифани муваффақиятли ҳал этишнинг йўл-йўриқлари кўрсатиб берилди. КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми қарорларида ўн иккинчи беш йилликда агросаноат комплексидаги барча ишлар, жумладан, пахтачилиқдаги ишларни ҳам интенсив технологияга ўтказиш бош вазифа қилиб қўйилгандир. Бу технологияни жорий этиш — мўл, сифатли, эртаки, арзон, тўқимачилик саноатининг талабларига мос келадиган қимматбаҳо хомашё етиштириш имкониятини беради. Интенсив технологияни жорий қилишнинг муҳим шартларидан бири эса — бу хўжаликлардаги мавжуд техникалар, айниқса, терим техникасидан фойдаланиш самарадорлигини кескин оширишдан иборатдир.

Бу йил ана шу соҳада областимиз пахтакорлари олдида катта вазифалар турибди. Пахтачиликдаги, хусусан, йиғим-теримдаги ишларни механизациялаш даражаси ва сифати кескин оширилиши керак. Далаларда 2800 дан ортиқ терим машинаси, мингдан ортиқ кўрак териш, 1100 дан зиёд кўсак чувиш ва бошқа кўплаб юкловчи, ташувчи механизмларнинг ишлаши кўзда тутилмоқда.

Илғор районлар ва хўжаликлар ишни бошидан пухта қилмоқдалар. Ғўзани машинабоп қилиб ўстириш билан бирга мавжуд техника воситаларини мавсумга пухта созлаш ва ремонт ишларини сифатли тугаллаш учун барча имкониятларни ишга солмоқдалар.

Кўпгина хўжаликлар эса техникани мавсумга барвақт тахт қилиб қўйишга эришдилар. Ўрта Чирчиқ районидаги Ким Пен Хва колхозида олиб борилаётган ишлар айниқса, таҳсинга сазовордир. Колхозда техникадан фойдаланиш хўжалик ҳисоби асосида ташкил этилган. Мавжуд тракторларнинг ҳар бири механизаторларга акт билан бириктириб қўйилган. Тракторчи ўзига бириктирилган бу техникадан фойдаланиб ер ҳайдайди, чигит экади, культивация қилади ва ниҳоят пахта теради. Унинг фаолиятига техникани қанчалик асраб-умрини узайтираётганлиги, запас қисмлардан қандай фойдаланаётганига қараб баҳо берилади, ҳақ тўланади, рағбатлантирилади. Бу усул ғоят яхши натижа бермоқда. Ўтган йили йиғим-терим якунланиши биланоқ механизаторлар ўз тракторлари, терим машиналарини устахонага олиб келдилар, ремонт ишларида ўзлари қатнашдилар, махсус комиссия ремонт сифатини текшириб қабул қилиб олди. Трактор-терим машиналари ҳар бир механизаторнинг исми, фамилияси ёзиб қўйилган ҳолда старт чизиғига қўйилди.

Бу йил колхоз механик-ҳайдовчилари ҳосилнинг 90 процентини машинада териб олишга аҳд қилганлар. Бунинг учун ҳозирнинг ўзидаёқ пухта тайёргарлик кўриб қўйилди.

Оққўрғон районидаги Сегизбоев номли, «Оққўрғон», Ғалаба районидаги «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозлари пахтакорлари ҳам терим техникасини мавсумга тайёрлашда ана шундай яхши натижаларга эришмоқдалар.

Афсуски, ҳамма жойда ҳам йиғим-терим мавсумида ишлатиладиган механизмларни ремонт қилиш кўнгилдагидек олиб борилаяпти, деб бўлмайди. Яқинда областимиз далаларида бўлган жиззахлик мусобақадошлар бу соҳадаги камчиликларни очиб ташладилар. Улар Янгийўл, Оққўрғон, Бўка, Чиноз районларида терим техникасини мавсумга созлашда сусткашликкa йўл қўйилаётганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Маълумотларга қараганда бу районлардаги кўпгина хўжаликларда ремонт ишлари даражаси паст бўлиб қолмоқда. Бунинг сабаби аён, хўжалик раҳбарлари, мутахассислар машина трактор парклари ишни оқилона ташкил эта олмаётирлар. Йиғим-терим мавсуми якунланиши биланоқ мавжуд тракторлар ва бошқа техникани далада тўғри паркка олиб келиш ва ремонт ишларини кучайтириб юбориш тадбирларини кўрмаганлар. Мутахассислар бу муҳим ишга бош-қош бўлмаяптилар. Ремонт қатъий график асосида ташкил этилмаган. Кундалик топшириқларнинг бажарилиши назорат қилиниб, таҳлил этиб борилмайди. Шунинг оқибатида сусткашликкa йўл қўйилмоқда.

Ишнинг муваффақиятини одамлар, устахонада меҳнат қилаётганлар ҳал қилади. Афсуски, кўпгина хўжаликларда ремонтчилар, слесарлар, механиклар, ремонтда қатнашаётган бошқа кишиларнинг унумли ишлашлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратиб берилмаган. Ремонтчилар арзимаган деталларни йўниш, тайёрлаш учун айрим ҳолларда кўшни район, хўжаликлар устахоналарига боришга мажбур бўладилар. Қимматли фурсат бой берилади. Чунки хўжалик раҳбарлари, қолаверса РАПО мутахассислари ремонтда турган техника учун зарур эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб бериш чораларини кўрмаётирлар. Бунинг оқибатида ортиқча оворагарчиликлар, сарф-харажатлар бўлмоқда. Йиғим-теримнинг бошланишига саноқли кунлар қолган ҳозирги дамларда бундай камчиликлар билан келишиб бўлмайди. Ҳар бир хўжаликда ишни белгиланган график асосида намунали ташкил этиш, ремонтчилар учун зарур шарт-шароитларни муҳайё қилиш, улар ўртасида ўзаро мусобақани авж олдириш ва бу мусобақанинг кутилган самара беришига эришиш учун моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли форма ва усулларидан фойдаланиш зарур.

Фурсат ғанимат. Ҳозирги кундаги бепарволик, хотиржамлик, ремонт ишларидаги сусткашлик, пала-партишлик, созлаб қўйилган техникани қайта-қайта, синчиклаб кўздан кечиришга эътиборсизлик авжи йиғим-терим пайтида панд бериб қўйиши мумкин. Бунга асло йўл қўйиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ҳар бир хўжалик раҳбари ва мутахассиси техникани ремонт қилишни жадаллаштириш ва барвақт тугаллаш масаласи билан астойдил шуғулланиши керак.

Терим техникаси — пахта йиғим-терим мавсумини муваффақиятли якунлашда етакчи ва ҳал қилувчи омилдир. Бу омилнинг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, белгиланган план ва топшириқларнинг муваффақиятли бажарилишига эришиш учун шу кунларда пухта замин яратайлик!

МУСОБАҚАДОШЛАР МАСЛАҲАТ БЕРИШМОҚДА

Озарбайжон деҳқонларининг ўзаро текшириш бригадаси Тошкент области далаларида

ЯХШИ анъанага мувофиқ 5 августда Ўзбекистонга қардош Озарбайжон, Тожикистон, Туркманистон Совет Социалистик Республикалари пахтакорларининг ўзаро текшириш бригадаси келди. Озарбайжонлик деҳқонлар составида Озарбайжон пахтачилик илмий-текшириш институти генетика лабораторияси катта илмий ходими (бригада раҳбари) Мамедов Фахраддин Халил ўғли, Бардинск районидаги Осланов номли колхоз партия комитетининг секретари Ибрагимов Озод Муҳаммад Али ўғли ва Мартигалинский районидаги Нариманов номли колхознинг бригадири Муродов Адолат Иззат ўғли бор. Озарбайжонлик меҳмонлар шу куни Оржоникидзе, Тошкент районларининг сабзавот далалари, Янгийўл ва бошқа районларнинг пахтазорларида бўлиб, деҳқонларнинг ишлари билан танишдилар.

ОЗАРБАЙЖОНЛИК мусобақадошлар куннинг биринчи ярмида Янгийўл райони хўжаликларида бўлиб, мусобақа шартлари қандай бажарилаётганлиги билан қизиқдилар. Улар «Коммунизм» колхозининг 2-, 5-, 7-бригадаларида ғўза парвариши яхши йўлга қўйилаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Бу бригадаларда агротехника тадбирлари маромида амалга ошириляпти. Қатор ораларига сифатли ишлов берилмоқда. Ғўза қондириб суғорилаётир.

Пахтакор қардошларимиз колхознинг Раҳим Жалолов бошлиқ бригадаси ишидан, айниқса, мамнун бўлдилар. Бу бригадада ғўза туплари дуркун ва соғлом ўсмоқда. Ҳар бир тупда ҳозирнинг ўзидаёқ 8—9 тадан, айрим карталарда эса 10 тадан бўлиқ кўсак бор. Бундай муваффақиятга илғорлар тажрибаси, фан ютуқлари изчил жорий этилаётганлиги, экинлар тупроқ-ер шароити ҳисобга олинган ҳолда парвариш қилинаётганлиги туфайли эришилмоқда.

Лекин шу билан бирга озарбайжонлик меҳмонлар дала ишларида бир қатор камчиликларга йўл қўйилаётганлигини ҳам кўрсатиб ўтдилар. Айрим карталарга ҳашарот тушган; ўргимчаккана, шира ва бошқа ҳашаротлар экинга зиён етказмоқда. Уларга қарши кураш чоралари сифатли амалга оширилмаётир.

«Ленинизм» колхозининг 3- ва 11-бригадалари, «Интернационал» колхозининг далаларида қатор ораларига ишлов бериш юзасидан белгиланган тадбирлар бир-бирига боғлаб, мутаносиб олиб борилмаяпти. Шунинг учун ҳам айрим карталарда ғўза ривожланишдан орқада қолмоқда. Ҳосилга-ҳосил қўшилмаяпти. Гул ва кўсакларнинг тўкилиш ҳоллари учрайди. Баъзи жойларда эса чеканка кечикмоқда.

Ўша куни мусобақадошлар яна бир қатор пахтакор районларда бўлдилар. Шунингдек, сабзавоткорлар ва чорвадорлар иши билан танишдилар. Улар ютуқларни қайд этиш билан бирга ишни яхшилашга, ютуқларни кўпайтиришга ёрдам берадиган маслаҳатлар, қимматли фикр-мулоҳазаларни ўртага ташладилар.

Суратда: озарбайжонлик мусобақадошлар Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхози далаларида.

А. Зуфаров фотоси.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети «Давлат савдоси ҳамда матлубот кооперациясида планлаштиришни, иқтисодий рағбатлантириш ва бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» қарор қабул қилдилар.

Қарорда қайд этиб ўтилганидек, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уларнинг сифатини яхшилаш, савдо-сотиқни янада ривожлантириш борасидаги тадбирларни амалга ошириш натижасида озиқ-овқат маҳсулотларига ва ноозиқ-овқат товарларига нисбатан харидорларнинг талаб-эҳтиёжлари тўлиқроқ қондириладиган бўлиб қолди.

Шу билан бирга давлат савдоси ҳамда матлубот кооперацияси ташкилотлари ва корхоналарининг фаолияти, аҳолига савдо хизмати даражаси замонавий талабларга мос келмаяпти. Харидорларнинг талаб-эҳтиёжлари суст ўрганилмоқда. Халқ истеъмол қиладиган зарур товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда, уларнинг сифатини ошириш ва хилларини кўпайтиришда саноатга актив таъсир ўтказилмаяпти, товар ресурслар оператив равишда зарур жойларга етказиб берилиши таъминланмаяпти. Кўпгина магазинларда ва умумий овқатланиш корхоналарида маҳсулот ва таом турлари чекланган, етарли миқдорда мавжуд бўлган буюмларни сотишда узилишларга йўл қўйилмоқда. Хизмат кўрсатиш маданиятининг пастлиги, савдо қоидаларининг бузилаётганлиги, кўпгина корхоналарнинг иш режими аҳолининг ҳаққоний таъналарига сабаб бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети халқ фаровонлигини юксалтиришнинг КПСС XXVII съездида ишлаб чиқилган программасига мувофиқ, аҳолига савдо хизматини тубдан яхшилаш ва харидорларнинг талаб-эҳтиёжларини яна ҳам тўлиқроқ қондириш мақсадида давлат савдоси ҳамда матлубот кооперациясида планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ва бошқаришни такомиллаштириш юзасидан чора-тадбирларни амалга оширишни, ўзинииўзи пул билан таъминлаш асосида корхоналар ва ташкилотларнинг мустақиллигини кенгайтиришни, хўжалик ҳисобини мустаҳкамлашни, пировард иш натижалари учун меҳнат коллективларининг манфаатдорлиги ва масъулиятини кучайтиришни зарур, деб топдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети аҳолининг хилма-хил ва юқори сифатли халқ истеъмоли товарларига ортиб бораётган талаб-эҳтиёжини қондириш, товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтиришда саноатга ва бошқа тармоқларга актив таъсир ўтказиш, совет кишиларига хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятини жиддий яхшилаш, савдо-сотиқни ташкил этишнинг илғор формалари ва методларини бутун чоралар билан ривожлантириш СССР Савдо министрлигининг, Центросоюзнинг, савдо тармоқларига эга бўлган министрликлар ва идоралларнинг, иттифоқдош ҳамда автоном республикалар Министрлар Советларининг ва халқ депутатлари маҳаллий Советларининг бош вазифасидир, деб ҳисоблайдилар.

Шу нарса белгилаб қўйилдики, мазкур органлар чакана товар обороти давлат планининг бажарилиши, савдонинг ривожлантирилиши, унинг фаолият самарадорлиги оширилиши, фан-техника тараққиёти ютуқларидан кенг қўламда фойдаланилиши учун бевосита жавобгардирлар. Савдони бошқариш органлари, савдо корхоналари ва ташкилотлари харидорларнинг манфаатларини ёқлаб, уни актив ҳимоя қилишлари, товарларни етказиб берувчилар билан ўзаро муносабатларда принципиал позицияда туришлари керак.

Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш топшириқлари сўзсиз бажарилиши ҳамда уларнинг савдога ўз вақтида етказиб берилиши учун министрликлар ва идоралларнинг жавобгарлиги оширилди.

Савдони ривожлантиришни планлаштиришда ва товар ресурсларни оператив равишда зарур жойларга етказиб беришда халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқда.

Қарорда белгиланганидек, иқтисодий ҳамда социал ривожланиш беш йиллик ва йиллик планларида иттифоқдош ҳамда автоном республикаларнинг савдо министрликларига, савдо, умумий овқатланиш ўлка, область (шаҳар) бошқармаларига ҳамда давлат савдосини бошқариш бошқа органларига, уларга бўйсунувчи ҳамда социалистик давлат ишлаб чиқариш корхонаси тўғрисидаги Низом дахл қиладиган корхоналар (ташкилотлар)га: алкоголли ичимликларни сотиш ҳажмисиз чакана товар обороти, алкоголли ичимликларни сотиш ҳажмисиз умумий овқатланиш товар обороти ҳамда ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш обороти, асосий фондларни, ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларини ишга тушириш, шунингдек, хўжалик фаолиятининг сердаромадлигини (рентабеллигини) ошириш планлари қандай бажарилганлигига асосланиб баҳо берадилар. Чакана савдода ва умумий овқатланишда корхоналар (ташкилотлар)нинг фаолиятига ҳам товарлар (маҳсулотлар) турларининг рўйхатига, савдо қоидаларига қандай риоя этилаётганига, хизмат кўрсатиш сифати ва маданиятига, харидорнинг шикоятлари йўқлигига қараб баҳо берилади. Улгуржи савдода корхоналар (ташкилотлар)нинг фаолиятига баҳо бериш чоғида тузилган шартномаларга мувофиқ товарлар етказиб бериш юзасидан мажбуриятларнинг бажарилиши асосий кўрсаткичлар қаторида ҳисобга олинади.

Савдони бошқаришни яхшилаш, савдо тармоқларини оқилона жойлаштириш ва ихтисослаштириш, бошқарувдаги кўп босқичлилик ва такрорлашни бартараф этиш учун СССР Савдо министрлигига, Центросоюзга, савдо тармоғига эга бўлган бошқа министрликлар ва идораларга, шунингдек, иттифоқдош республикаларнинг Министрлар Советларига тармоқнинг ташкилий структурасини такомиллаштириш борасида зарур чора-тадбирларни кўриш топширилди.

Москва ва Ленинград шаҳарларида, иттифоқдош ва автоном республикаларнинг пойтахтларида, ўлка, область марказларида ва бошқа шаҳарларда, айниқса, модали товарларни сотувчи магазинлар, шунингдек, маҳаллий товарлар билан савдо қилувчи магазинлар тармоғини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

Чакана товар оборотининг халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планлари билан чамбарчас боғланишини таъминлаш учун савдо корхоналари (ташкилотлари) билан аҳоли учун товарлар ишлаб чиқарадиган ишлаб чиқариш бирлашмалари (корхоналари)нинг ўзаро хўжалик муносабатларини такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган халқ истеъмол товарларининг турларини шакллантириш ва сифатини яхшилашда савдонинг роли ни кучайтириш чораларини амалга ошириш белгилаб қўйилди.

Корхоналар (ташкилотлар)нинг пландаги ҳамда амалдаги даромадларидан фойдаланиш йўллари белгиланди.

Корхоналар (ташкилотлар)ни ишлаб чиқариш ва социал жиҳатдан ривожлантириш тадбирлари кўзда тутилган, уларнинг хўжалик фаолиятини яхшилашда кредитнинг роли кучайтирилмоқда.

СССР министрликлари ва идораларининг ҳамда иттифоқдош республикалар Министрлар Советларининг савдо ва умумий овқатланиш моддий-техника базасини ривожлантиришга маблағ ажратишнинг амалдаги тартиби, шунингдек, чакана савдо ва умумий овқатланиш корхоналарини планлаштириш, лойиҳалаш, пул билан таъминлаш ҳамда шундай корхоналарни қуриш ва жиҳозлаш учун сарфланадиган капитал маблағларни ҳисобга олиш тартиби сақлаб қолинди.

Аҳолига савдо хизматини яхшилаш, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари (ташкилотлари)нинг харидорлар учун қулай вақтда ишлашини таъминлаш, мавсумий савдони кенгайтириш ҳамда бошқа ишларни бажариш мақсадида:

ўриндошлик шарти билан (ўша ёки бошқа корхоналарда) асосий ишидан бўш вақтида ишлаш учун барча категориялардаги ходимларни сабзавот, мева, шарбатлар ҳамда мавсумий товарларни сотишга, юк ортиш-туширишга, ремонт ишлари ҳамда бошқа ишларни бажаришга жалб қилишга рухсат бериш;

студентлар, пенсионерларни, ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган бошқа кишиларни иш куни тўлиқ бўлмаган ишга, айниқса, харидорлар энг кўп келадиган соатларда ишга жалб этиш практикасини кенгайтириш;

халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари билан келишган ҳолда аҳоли манфаатларини ҳисобга олиб тўхтаб-тўхтаб ишлаш графигини жорий этиш мақсадга мувофиқ, деб топилди.

СССР Савдо министрлиги ҳамда матлубот кооперацияси системасининг корхоналари ва ташкилотлари (қурилиш ташкилотларидан ташқари), бошқа министрликлар ҳамда идораларнинг савдо корхоналари (ташкилотлари) 1987 йилда хўжалик юритишнинг янгича шарт-шароитларига ўтказиладилар.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетлари ва Министрлар Советларига, маҳаллий партия ва совет органларига савдо корхоналари ҳамда ташкилотларининг фаолиятини такомиллаштириш масалаларига эътиборни кучайтириш, хўжалик юритишнинг янгича шарт-шароитларига ўтишга ҳозирлик кўриш ва уни амалга оширишда уларга бутун чоралар билан кўмаклашиш топширилди. Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, хўжаликни самарали юритиш, планлаштириш, иқтисодий рағбатлантириш ҳамда бошқаришнинг замонавий методларини чуқур ўзлаштириб олиш ва моҳирлик билан қўлланиш учун савдо ва умумий овқатланиш корхоналари раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг жавобгарлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

* * *

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети давлат савдоси ва матлубот кооперациясининг меҳнат коллективлари, партия, совет ва хўжалик органлари, касаба союз ва комсомол ташкилотлари хўжалик юритишнинг янги шарт-шароитларидан самарали фойдаланадилар, аҳолининг сифатли ва хилма-хил товарларга бўлган эҳтиёжини қондиришни анча яхшилайдилар, харидорларга хизмат қилиш маданиятини оширадилар ҳамда КПСС XXVII съезди қарорларини рўёбга чиқаришга муносиб ҳисса қўшадилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ЯНГИЧА ФИКРЛАШГА ЎРГАНАЙЛИК

КИШИЛАРДА илмий, марксча-ленинча дунёқарашни шакллантиришда партия ўқуви системаси муҳим роль ўйнамоқда. Коммунистик тарбиянинг ўзаги ҳисобланган марксча-ленинча таълимот онгли сиёсий жангчиларни тарбиялашга, социал ҳолатларни мустақил баҳолашга, ғоявий муҳолифлар билан далил-асосли баҳс олиб боришга кўмаклашмоқда.

Янги талаблар асосида партия ўқуви системаси тобора такомиллашиб бормоқда, тарбиявий ишда унинг таъсирчанлиги ўсмоқда. Ўтган ўқув йилида областимизда марксча-ленинча таълимнинг барча формаларига 734 мингдан ортиқ меҳнаткаш жалб этилди. 23 мингдан ортиқ пропагандист уларга билим берди.

Якунланган ўқув йилининг ўзига хос хусусияти шундан иборат бўлдики, у муҳим тарихий воқеалар таъсири остида ўтди. Тингловчилар КПСС XXVII съезди материалларини зўр қизиқиш билан ўргандилар. Съезд материаллари машғулотлар мазмунини яна ҳам бойитди. Тингловчиларнинг КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди делегатлари билан учрашувлари уюштирилди, очиқ машғулотлар, суҳбатлар, семинар машғулотлари ва зачетлар ўтказилди. Пропагандистларга кўрсатилаётган амалий ёрдам кучайди. Ҳар ойда шаҳар, район партия комитетлари доимий семинарлар ўтказиб борди. Тошкент область партия комитети сиёсий маориф уйи ташкил этган курсларда 6 минга яқин пропагандист қайта тайёргарликдан ўтди.

Тошкент районида ташкил этилган семинарлар, илмий-назарий конференцияларда олий партия мактаби ўқитувчилари, область ва район партия комитетларининг масъул ходимлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ходимлари, Белоруссия ва Ленинград олимлари, «Билим» жамияти лекторлари, районнинг илғор пропагандистлари қизиқарли лекция ва суҳбатлар билан чиқдилар. Бундай машғулотлар пропагандистларнинг билим доирасини кенгайтиришга, улар ишини қайта қуришга, машғулотлар самарадорлигини оширишга ёрдам берди.

Чирчиқ шаҳар партия комитетининг ахборот маркази эса ўтган ўқув йили давомида пропагандистлар учун 15 та методик ва справочник материаллар тайёрлади. Шаҳар ва кўп нусхали газеталарда сиёсий ўқувнинг бориши мунтазам ёритилди. Корхоналар партия комитетлари кутубхоналари ҳам пропагандистлар ва тингловчиларга катта ёрдам бермоқда. Ҳозир бу кутубхоналарнинг китоб фонди 40 минга етиб қолди.

Ўқув йили давомида сиёсий маорифнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан зарур ишлар олиб борилди. Киров район партия комитети сиёсий маориф кабинети, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Строймеханизация» трести, «Ўзбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги» номли тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия маориф кабинетлари янги талаблар асосида қайта жиҳозланди. Ҳозир райондаги 35 та корхона ва муассаса ҳузурида жамоатчилик асосида сиёсий маориф кабинетлари фаолият кўрсатаяпти.

Бу йил КПСС XXVII съезди талаблари асосида ёш коммунистлар мактабларида ўқув жараёнларини такомиллаштириш юзасидан партия комитетлари қўшимча чоралари кўрдилар. Область партия комитети сиёсий маориф уйи ёш коммунистлар мактаби пропагандистлари ва ташкилотчилари учун махсус семинар ўтказди. Партия комитетлари ёш коммунистлар ўз ғоявий-сиёсий билимларини қандай ошираётганлари бўйича ҳисоботларини мунтазам тинглаб бораяпти. Кейинги пайтда «ЧарвакГЭСстрой» бошқармаси, Бекобод цемент комбинати партия комитетларида шундай ҳисоботлар тингланди.

Ўтган ўқув йилида область бўйича 308 та ёш коммунистлар мактаби фаолият кўрсатди. Уларда 8 мингдан ортиқ киши билим олди. Ёш коммунистлар мактаби ишини таҳлил қилиш ва тингловчилар билан ўтказилган суҳбатлар чоғида уларнинг ишлаб чиқаришдаги ва ижтимоий ҳаётдаги активликлари сезиларли даражада ошганлиги маълум бўлди. Масалан, Ангрендаги «Ўзбекрезинотехника» заводи ёш коммунистлар мактаби тингловчиларидан

СИЕСИЙ УҚУВ ЯКУНЛАРИГА ДОИР

11 киши ўтган беш йиллик топшириғини тўрт ярим йилда адо этди. Тингловчиларнинг қариб барчаси жамоат ишларида иштирок этмоқда. Ёш коммунист Н. В. Ницель Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сифатида коллектив ўртасида катта ташкилотчилик ишларини олиб бораяпти. Н. Г. Емельянова эса қолоқ бригадага ўтиб, уни илғорлар даражасига кўтарди. Ҳозир ёш коммунистлар КПСС Марказий Комитетининг Мурожаатномасига жавобан йиллик ва беш йиллик топшириқларини барвақт адо этиш учун бошланган мусобақада актив иштирок этмоқдалар.

Партия ташкилотлари сиёсий ўқувни самарали ташкил этаётган пропагандистлар тажрибасини оммалаштиришга катта эътибор бермоқдалар. Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатида пропагандист Б. Нурматовнинг тажрибаси оммалаштирилди. У ўқувнинг актив формаларидан кенг фойдаланмоқда. Тингловчилар машғулотларда ахборотлар билан чиқмоқдалар, рефератлар ёзмоқдалар, мунозараларда қатнашмоқдалар. Ўтилаётган ҳар бир тема бевосита ишлаб чиқаришдаги муаммоларга боғланмоқда.

Бу йил Чирчиқ шаҳри, Коммунистик ва Тошкент районлари партия ташкилотларидаги партия ўқуви системасида икки йиллик эксперимент ниҳоясига етди. «В. И. Ленин, КПСС социализм ва коммунизм қурилиши ҳақида» курсини 12 мингдан ортиқ тингловчи ўрганди. Эксперимент қандай ўтганлиги таҳлил қилиб чиқилди. Янгича шароитда ўтказилган машғулотлар сифати ошди, мазмуни бойиди, тингловчиларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлиги кучайди. Имтиҳонларда тингловчиларнинг 71 проценти яхши баҳо олди. Уларнинг ярмидан кўпроғи ўқув йили давомида 3—4 тадан амалий топшириқни бажарди, докладлар билан чиқди, рефератлар ёзди. Ҳозир тингловчиларнинг 5640 нафари коммунистик меҳнат зарбдоридир, 8640 нафар тингловчи социалистик мажбуриятларини муддатидан олдин адо этяпти. 7200 тингловчи эса жамоат топшириғига эга.

Ўтган ўқув йилида иқтисодий таълим системасида экспериментлар давом эттирилди. Енгил саноат, қишлоқ хўжалиги корхоналарида, «Союзмашхлопководство» бирлашмасида ташкил этилган иқтисодий ўқувлар эксперимент тарзида олиб борилди. Машғулотларда бригада пудрати ва хўжалик ҳисобида ишлаш самаралари чуқур таҳлил қилинди, тўпланган тажрибалар умумлаштирилди, мусобақани ривожлантириш, рационализаторлик ва ихтирочилик ҳаракатини кенгайтириш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга оширилди. Умуман, партия ўқуви ва иқтисодий таълим системасида ўтказилаётган экспериментлар машғулотлар сифати ва натижадорлигини оширишга, иш формасини такомиллаштиришга катта ёрдам бераяпти.

Шаҳар, район партия комитетлари пленум ва бюро мажлисларида сиёсий ва иқтисодий ўқувни ташкил этиш масалаларини мунтазам муҳокама қилиб бормоқдалар. Лекин шунга қарамай айрим жойларда бу муҳим тарбиявий ишга етарлича эътибор берилмаётганлиги кишини афсуслантиради. Калинин районида ёш коммунистларнинг салкам 40 проценти ўқишга жалб этилмаган. Акмал Икромов районида ёш коммунистлар ўқуви қониқарсиз ташкил этилган.

Ўтказилган текширувлар давомида Паркент, Оққўрғон, Ўрта Чирчиқ, Собир Раҳимов районлари раҳбар ходимлари шуғулланаётган мактабларда ўқув машғулотларини ташкил этишда жиддий камчиликлар борлиги аниқланди. Тошкент, Янгийўл шаҳарлари, Чиноз райони айрим корхоналарида ўтилаётган мавзулар коллективларнинг фаолияти билан боғланмаяпти.

Съезд материалларини ўрганиш даврида айрим машғулотлар ўтказилмай қолди, пропагандистларнинг тайёргарлиги бўш бўлганлиги учун улар фақат материалларни ўқиб бериш билан чегараландилар холос. Табиийки, бундай машғулотлар тингловчиларда қизиқиш уйғотмайди, уларни зериктириб қўяди. Кўпгина ўқув ташкилотчилари, пропагандистлар ва мактаб тингловчилари съезд материаллари билан юзаки таниш бўлганликлари учун мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришда ўз ролларини тўла тасаввур этмаяптилар.

«Промстройматёриал» трести, «Главсредазирсовхозстрой» ва С. Раҳимов районидаги 7-болалар поликлиникасида ўтказилган социологик тадқиқотлар давомида ҳар уч тингловчининг бири партия ўқуви системасидаги машғулотлар савияси ўзларини қониқтирмаётганлигини бизга маълум қилдилар. Шундай экан, сиёсий маориф ва иқтисодий таълим системасидаги ишларни давр талаблари асосида қайта қуришимиз керак.

Ҳозир шаҳар, район партия комитетлари, бошланғич партия ташкилотлари ўтган ўқув йилига яқин ясаб, марксча-ленинча таълимни ташкил этишда йўл қўйилган камчилик ва нуқсонларга жиддий баҳо бермоқдалар, уларни тугатиш ва бутун ишни партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми талаблари асосида қайта ташкил этиш чораларини кўрмоқдалар.

Р. РАСУЛОВ,
область партия комитети сиёсий маориф уйи мудирининг ўринбосари.



▲ **ОКТЯБРЬ революцияси номидаги Тошкент тепловоз ремонти заводида ТЭ 10 юк электровозларини ремонт қиладиган янги цех ишга тушди. Бу ерда ремонт ишлари замонавий технология асосида олиб борилмоқда. Суратда: электр сими ўровчилари бригадири Г. Клименко иш устида.**
Р. Шамсуддинов фотоси. (ЎзТАГ).

ОБИДАЛАР УЧУН ЗАВОД

АНГРЕН шаҳрида Ўзбекистон ССР маданият министрлиги буюртмаси билан квадрат ҳажмли ғишт ва пардозлаш плиталари тайёрловчи тажриба-ишлаб чиқариш заводи қурилмоқда. Завод маҳсулоти асосан қадимги ёдгорликларни тиклашда ишлатилади. Ҳозиргача эса «Меъмор» республика ишлаб чиқариш бирлашмасида квадрат ҳажмли ғишт ва пардозлаш плиталари қўл кучи билан тайёрланмоқда. У кўп меҳнат талаб қилади ва таннархи баланд. Масалан, бир квадрат метр пардозлаш плитаси 60 сўм бўлса, заводда ишлаб чиқарилажак маҳсулотнинг таннархи 16 сўмдан сал ортади.

Завод ишга тушгач, йилига уч размерда 10 миллион дона квадрат ҳажмли ғишт 100 минг квадрат метр пардозлаш плиталари ишлаб чиқара олади.

А. ҒУЛОМОВ.

КИТОБСЕВАРЛАР САФИ КЕНГАЯВЕРСИН

КИТОБСЕВАРЛАР ЖАМИЯТИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТАШКИЛОТИНИНГ ПЛЕНУМИДАН

Китобсеварлар жамияти область ташкилотининг III пленуми бўлиб ўтди. Пленумда ташкилот правлениеси раиси, область партия комитетининг секретари **Ш. З. Камолхўжаев** «КПСС XXVII съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди қарорлари асосида китобсеварлар жамияти Тошкент область ташкилотининг пропаганда ва ташкилий ишларини кучайтириш бўйича вазифалари» ҳақида доклад қилди.

Докладчи қайд этганидек, китобсеварларнинг кўнгилли жамияти совет сиёсий системасининг таркибий қисми сифатида ўз амалий фаолиятини КПСС XXVII съезди қарорлари асосида қайта қурмоқда.

Ўтган беш йилликда областда китоб мухлисларининг сони икки баравар ўсди ва ҳозирги пайтда 218 мингдан ортиқ китобсеварни ўз сафига бирлаштирган 1439 бошланғич ташкилот ҳамда секция ишлаб турибди.

Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари китобсеварлар жамиятларининг фаолиятини алоҳида кўрсатиб ўтиш мумкин. Бу ташкилотларда китоб мухлислари орасида ранг-баранг, сермазмун оммавий тадбирлар ўтказиш, аъзолар сонини кўпайтиришга доимий эътибор берилмоқда. Оққўрғон, Ғалаба, Бўка районларида эса китобхонлар конференцияларини уюштириш, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ташкил этиш мунтазам тус олмоқда. Ангрен керамика комбинати, Олмалиқдаги Ўзбекистон ремонт-қурилиш бошқармаси, Ғазалкент алкоголсиз ичимликлар тажриба-экспериментал заводи, Янгийўл шаҳар касалхонаси ҳамда бошқа қатор корхона ва муассасалардаги китобсеварларнинг техник ва махсус адабиётларни тарғиб қилиш борасидаги тажрибаси кенг оммалаштирилса арзийди.

Областнинг бир қанча шаҳар ва районлари ташкилотларида «Курашчан китоб», «Халқ жасорати-мангу», «Ленинни бутун дунё ўқийди», «Ягона Советлар оиласида гулла-яшна, Ўзбекистон», «Ҳаммамиз бир бўлиб — ичкилиққа қарши», «Хушёрлик— ҳаёт нормаси» каби тематик кечалар, суҳбат даврали таъсирчан ўтди. Давр тақозоси билан вужудга келган «Сиёсий адабиётлар — оммага»., «Китобнинг ёш дўстлари», «Қизил чинни гуллар», сингари клублар сони ҳам ортиб бормоқда.

Докладчи ва музокарада қатнашган ўртоқлар амалга оширилган ана шу ва бошқа ишларни қайд этиш билан бирга асосий эътиборни мавжуд камчилик-нуқсонлар ва уларни бартараф этишга қаратдилар.

Уларнинг фикрича китобсеварлар жамияти область ташкилоти ва унинг тармоқларида китоб пропагандаси билан боғлиқ ҳамма ишлар ҳам ҳали талаблар даражасидан анча орқада. Хусусан, Калинин район ташкилоти (раиси З. Ҳакимова, масъул секретари И. Қайнаров ўртоқлар) китобсеварлар учун тадбирлар ўтказмайдилар, ташкилотчилик кўрсатмайдилар. Натижада китобсеварларнинг қизиқишлари сусаймоқда, аъзолик взносларини ҳам ўз вақтида йиғилмай қолмоқда. Худди шундай лоқайдлик, ташаббуссизлик Янгийўл шаҳрининг 365-механизациялашган кўчма колоннаси, Чиноз районидаги Охунбобоев номли колхоз, «Олмазор» совхози ва пахта заводида, Ўрта Чирчиқ районининг «Северний маяк» колхози, Калинин районидаги Тошкент гўшт ишлаб чиқариш бирлашмаси, Ўзбекистон паррандачилик фабрикаси китобсеварлар бошланғич ташкилотлари фаолиятига тааллуқлидир. «Алмаликсвинецстрой» трести, Чирчиқ «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Янги Ангрен ГРЭСи, Пискент районидаги бир қатор китобсеварлар бошланғич ташкилотлари шаънига ҳам жиддий эътирозлар билдириш мумкин.

Пленумда китобсеварлар ташкилотларидаги айрим ходимларнинг ўзига топширилган ишга масъулият билан ёндошмаётганлиги, айниқса, ташкилотларнинг масъул секретарларидан кўплари ўз бурчларини унутиб қўйганликлари жиддий таҳликага учради.

Китобсеварларнинг жойлардаги қуйи ташкилотлари кузги пахта йиғим-терим мавсумига пахта ҳозирлик кўришлари лозим. Ўтган йиллар анъанасига мувофиқ, шоир ва ёзувчиларнинг меҳнаткашлар билан учрашувларини уюштириш, адабий кечалар, «Китоб —инсонга дўст, ҳамроҳ» давра суҳбатларини ташкил этишга эътиборни кучайтириш керак. Шахсий кутубхоналар ҳисобидан дала шийпонлари учун кўчма кутубхоналар ташкил этиш лозим.

Пленумда доклад юзасидан бўлган музокарада сўзга чиққан Чирчиқдаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинати китобсеварлар бошланғич ташкилотининг раиси, электрослесарь **Л. Нестерова,** Олмалиқ шаҳар китобсеварлар ташкилотининг раиси, шаҳар партия комитетининг секретари **Н. Калимулина,** Тошкент область матлубот жамияти китоб савдоси бўлимининг бошлиғи **А. Абдурахмонов,** Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводи китобсеварлар бошланғич ташкилотининг раиси, радиоредактор **А. Мустафина,** Янгийўл шаҳридаги 12-ўрта мактабнинг тўққизинчи синф ўқувчиси **Н. Ким,** Паркент район халқ маорифи бўлими китобсеварлар бошланғич ташкилоти раиси, методист **Х. Йўлдошева,** Бўстонлиқ районидаги Искандар посёлка Совети раиси **В. Якунинлар** китобсеварлар жамияти область ва районлар ташкилотларининг фаолиятини яхшилаш билан боғлиқ бўлган масалаларга тўхталдилар, ишни қайта қуришни тезлаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Пленумда Ўзбекистон китобсеварлар жамияти правлениеси раисининг биринчи ўринбосари Ғ. П. Пўлатов сўзга чиқди.

МЕҲНАТКАШЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

ОБЛАСТЬ КАСАБА СОЮЗЛАРИ СОВЕТИ ПЛЕНУМИДАН

Область касаба союзлари Советининг пленуми бўлиб ўтди. Унда область касаба союзлари Совети раиси А. В. Браилов КПСС XXVII съезди қарорлари асосида давлат социал страхованиесини янада такомиллаштириш, меҳнаткашлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва медицина хизмати кўрсатишни яхшилашда касаба союз ташкилотлари олдида турган вазифалар тўғрисида доклад қилди.

Докладчи, музокарада сўзга чиққан Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги номли тиқувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори В. М. Шевешова, машинасозлик ва приборсозлик ишчилари касаба союзи область комитети раиси Н. В. Бабичев, «Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси кран-машинисти Р. П. Семёнова, Бўка район ижроия комитети раисининг ўринбосари Д. Султонов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати профилакторийси бош врачи Л. К. Терехина ва бошқалар эришилган ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликларга қаратдилар.

Касаба союз ва хўжалик органлари, соғлиқни сақлаш муассасалари ўз фаолиятларини қайта қуришга, меҳнаткашларнинг иш ва турмуш шароитини яхшилашга, санаторий-соғломлаштириш тадбирларини ўтказишга етарлича эътибор бермаяптилар. Корхоналарда меҳнат қилаётган ишчиларга медицина хизмати кўрсатиш қониқарсиз аҳволда. Цехларда даволаш участкалари ташкил қилинмаган. Экскаватор, лак-бўёқ заводлари, Янгийўл, Нариманов шаҳарлари, Чилонзор, А. Икромов, Сергели районлари корхоналарининг раҳбарлари ишчиларга етарлича ғамхўрлик кўрсатмаяптилар.

Кўпгина қишлоқ медицина муассасаларининг моддий техника базаси шу кун талабларига жавоб бермайди. Бундай муассасалар Пискент ва Чиноз районларида кўплаб топилади. Областда бирорта ҳам типовой врачлик амбулаторияси, фельдшерлик-акушерлик пункти йўқ. Чорвачилик фермаларида медицина профилакторийлари тармоғи суст ривожланмоқда.

Вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганларни экспертизадан ўтказишда жиддий камчиликлар бор. Врачларнинг эътиборсизлиги, таъмагирлиги ҳамон сезилиб турибди, дори-дармонлар билан чайқовчилик қилиш ҳоллари тугатилгани йўқ.

Кўпгина соғломлаштириш ва маданий спорт комплекслари меҳнаткашлар ҳамда уларнинг оилалари ўртасида олиб борилаётган ишларнинг таянч пунктига айланмаган. Маданият уйлари ва саройларининг иш режими меҳнаткашлар вақтига мосланмаган. Ҳушёрлик учун курашувчи бошланғич кўнгилли жамиятлар фаолияти талаб даражасида эмас.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг секретари Ш. З. Камолхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум область касаба союзларининг Союзлараро XIII конференциясини 1987 йил 10 январда чақиришга қарор қилди.

Пленум ишида Ўзбекистон касаба союзлари Совети секретари О. К. Адаманов иштирок этди.

АНЪАНАВИЙ АВГУСТ КЕНГАШЛАРИ ОЛДИДАН

БИЗ НИМАЛАРНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

Ҳозир районда 7 та умумий ўрта ва саккиз йиллик мактаб бор. Ана шу мактабларда 28 мингдан зиёд ўқувчи бор. Уларга 2150 нафар ўқитувчи билим бермоқда. Ўтган ўқув йили натижалари айрим мактабларда таълим-тарбия ишлари ислоҳот талаблари асосида қайта қурилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, 1-, 9-, 16- ва 50-мактабларда ўқитиш сифати анча янгиланди. Ўқувчиларни интернационал руҳда тарбиялаш, уларда меҳнатга муҳаббат уйғотиш, ёшларни Совет Армияси сафига тайёрлаш ишларини ташкил этишда тажриба орттирилди. «Пухта билим, баҳолашда холислик учун» шиори кўпгина мактабларимизда тобора оммалаштирилмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқитувчида ҳам, ўқувчида ҳам масъулият уйғотди. Ота-онасининг мансабига, таниш-билишчиликка қараб баҳолаш каби илгари рўй бериб келган ярамас ҳолатларга чек қўйилди.

Билимни холис баҳолаш принципига риоя қилинмоқда. Мана бир мисол: бу йил ўнинчи синфни битирган 1800 нафар ўқувчидан бор-йўғи уч нафари олтин ва 21 боланинг билими кумуш медаль билан баҳоланди.

Ўтган ўқув йили ўқитувчилар малакасини оширишга бўлган эътибор ва уларни аттестациядан ўтказиш билан ҳам характерлидир. Хўш, бу кўриклар нимани кўрсатди. Яширишнинг ҳожати йўқ. Ҳали жуда кўплаб ўқитувчилар сиёсий билимларини ошириш, ўзларининг пухта ўзлаштирилган фанларини ўқитадиган фанларини пухта ўзлаштиришга, мустақил ишлашга бефарқ қарайдиган бўлиб қолишган. Умумтаълим мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари эълон қилинганидан буён икки йилдан ортиқроқ вақт ўтди. Аммо ҳалигача ҳамма педагогларимиз ислоҳот программасини ўрганиб чиқмаганликларини афсусланиб айтишимиз мумкин. Бундай аҳволнинг рўй беришида ўқувтарбия ишларининг бевосита ташкилотчилари бўлган биз, маориф раҳбарлари ҳам лоқайдликка йўл қўйганлигимизни очиқ-ойдин тан олишимиз зарур. Давр эса биздан барча ишларимизни тезроқ қайта қуришни, жадаллаштиришни талаб қилмоқда.

Халқ маорифи органларида қайта қуриш — бу педагоглар онгида, психологиясида тубдан ўзгариш ясаш демакдир. Кечаги билимларимиз ёки дарсликларнинг ўзигина ўқувчиларга чуқур билим бериш учун етарли бўлмай қолди. Ҳар бир педагог бугунги ва эртанги кун талаблари билан яшаши керак. Ўқитувчи бугун фан оламида, маориф оламида қандай янгилик рўй бераётганлигидан хабардор бўлиши, ўз предметини чуқур ўзлаштирган бўлиши ҳамда билимларни ўқувчиларга етказиш учун тинмай ижодий изланиши лозим.

Таълим-тарбия ишларини қайта қуришни жадаллаштириш муносабати билан педагоглар зиммасидаги масъулият ва вазифалар икки-уч баравар ортди. Эндиликда муаллим ўз талабасида фақат билимга ҳавас уйғотибгина қолмай, у ўқувчиларнинг рус тилини, бошланғич ҳарбий таълимни, меҳнат кўникмасини пухта эгаллашларига, жисмоний чиниқишларига тўла масъулдир.

Мактабларимизда ёш авлодни гражданлик бурчига чинакам садоқат руҳида тарбиялаш ҳамиша ҳам эътиборда деб айтолмаймиз. Бир вақтлари бутун синфи билан хўжаликда ишлаш истагини билдирган, фермаларни тўлдирган ёшлар ҳозир нега камайиб қолди? Бу савол жавоб шуки, ёшларнинг эътиқодини мустаҳкамлаш, меҳнатга қизиқтириш ишлари билан етарли шуғулланмаяпмиз. Иккинчи сабаб шуки, ўқувчилар бригадаларининг ишини тўғри ташкил этолмаяпмиз. Мана бир мисол: 1700 ўқувчидан иборат қилиб тузилган 35 та ўқувчилар ишлаб чиқариш бригадасининг иш унуми жуда паст. Уларга ажратилган техника яроқсиз ҳолга келиб қолган. Дала ишларининг анчагина қисми қўл кучи билан бажарилмоқда. Хўжалик раҳбарлари эса бунга унчалик эътибор беришмайди. «Алдагани бола яхши» қабилида иш тутилмоқда.

Райондаги 2 мингга яқин юқори синф ўқувчисига ҳунар ўргатиш мўлжалланган. Шу мақсадда 3 та мактабларо ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ташкил этилган. Лекин иш юришмаяпти.

Комбинатлар билан мактаблар ўртасида доимий алоқа, ҳамкорлик йўқ. Шунинг учун ҳам ўқувчиларнинг касб эгаллашдаги малакаси паст бўлиб қолмоқда. Болаларни меҳнатга ўргатишни айрим ташкилотлар фақат майда-чуйда юмушларни бажартириш, енгил-елпи дастёр сифатида фойдаланиш деб билмоқдалар. Ваҳоланки, эртанги ишчи малакали бирор ҳунар эгаси бўлиши лозим.

Ислоҳот муносабати билан зиммамизда жуда катта вазифалар турипти. Бу йил райондаги 22 мактаб ва битта боғчада 710 нафар олти ёшлиларни ўқита бошлаймиз. Улар учун тайёрланган хоналарни яна бир бор кўздан кечириш, белгиланган ўқитувчиларнинг малакасини синовдан ўтказиш керак бўлади. Бу ишда ҳам сусткашликка йўл қўйилмоқда, вақт эса жуда оз.

Халқ маорифидаги муваффақият, шубҳасиз, мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ва барча педагогларнинг ишга қай даражада ёндашишларига боғлиқ. Ана шуни назарда тутиб махсус ўқувни йўлга қўйишни планлаштирганмиз.

Кўриниб турибдики, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашлари муҳокамасига киритилиши лозим бўлган масалалар, муаммолар жуда кўп. Уларнинг ҳаммаси ўқув-тарбияни янги талаблар даражасига кўтариш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам бу сафарги август кенгашлари дабдабасиз, ишчанлик билан, ўз-ўзини танқид руҳида, масалаларни аниқ ҳал этишга қаратилган тарзда ўтказилиши шарт. Ҳозирги қайта қуриш руҳи, КПСС XXVII съездининг новаторлик руҳи шуни талаб этмоқда.

Л. НУРУЛЛАЕВ,
Ўрта Чирчиқ район халқ маорифи бўлимининг мудири.

ПОЙТАХТИМИЗ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

▲ **Шу кунларда барча олий ўқув юртларида кириш имтиҳонлари давом этмоқда. Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти ҳам бу йил қарийб 1700 абитуриентни биринчи курсга қабул қилади. Бу ўқув даргоҳида Ўрта Осиё республикаларининг турли областларидан келган йигит-қизлар билан биргаликда кўплаб чет эллик ёшлар ҳам билим оладилар. Суратларда: абитуриентлар институт факультетларида математикадан ёзма имтиҳон топширмоқдалар.**
Е. Ботиров фотолари.

ҚАРДОШЛИК ҚОНУНИ БИЛАН

904-СЧЁТГА

□ **«УЗБЕКХИММАШ» заводининг комсомоллари ва ёшлари Чернобиль фондига бир кунлик иш ҳақини — тўрт минг сўм ўтказдилар. Биринчи механика цехидан Г. Огай бошлиқ комсомол-ёшлар бригадаси бу ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. Улар рақамли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар участкасида ишлайдилар.**

Илғор коллектив беш йиллиннинг биринчи йили топшириқларини муддатидан икки ҳафта илгари бажариш, барча маҳсулотларни биринчи сифат категориясига аттестация қилиш мажбуриятини олдилар.

* * *

□ **ОЛМАЛИҚ кон-металлургия комбинатининг Н. Гежи мастерлигидаги смена ишчилари мамлакатдаги турдош корхоналар ўртасида ташкил этилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб чиқиб, олинган мукофотни Чернобиль атом электростанциясида жабр кўрганлар ёрдам фондига ўтказдилар.**

Ўн биринчи беш йилликда коллектив ўзаро меҳнат беллашувининг доимий пешқадами бўлиб қолди. Смена бу йил ҳам юқори суръатни пасайтираётгани йўқ.

(ЎзТАГ).

* * *

Собир Раҳимов райони шифокорлари чернобилликлар бошига тушган мусибатдан қаттиқ изтироб чекдилар. Қардошлик туйғусини чуқур ҳис этган райондаги 33-поликлиника 776 сўм, 7-поликлиника 200 сўм, 2-туғруқхона хизматчилари 1253 сўм, умуман район шифокорлари жами 4 минг 423 сўм маблағни 904-счётга жўнатдилар.

Бундан ташқари, саломатлик посбонлари ишдан бўш вақтларда ишлаб, ундан тушган 3032 сўм пулни ҳам тинчлик фондига ўтказишди.

ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ЁШЛАР ПИЧАН ЎРИМИДА

Бўка район комсомол комитети хўжаликларга чорва учун ем-хашак жамғаришда ёрдам бериш мақсадида комсомол ёшлардан иборат 17 зарбдор отряд тузди. Буларга район марказидаги савдо, маиший хизмат, соғлиқни сақлаш муассасалари, қурилиш ва саноат корхоналари ёшларидан иборат икки отряд ҳам бирлашди. Ташаббускорлар ҳозирги кунда «Кўкорол», «Гулистон» ҳамда «Кремль» совхозларида меҳнат қилишаяпти.

Ўтган йили 400 тонна дағал хашак жамғариб берган ёшлар бу йил 500 тонна ем-хашак тайёрлаш мажбуриятини зиммаларига олдилар.

БАРЧАГА ЎРНАК

ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги Охунбобоев номли колхоз деҳқонлари бир неча йилдирки, етиштирилаётган ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида териб олишади. Бунга мавжуд техникадан самарали фойдаланиш туфайли эришилмоқда. Хўжаликда яхши бир анъана давом этиб келмоқда. Йил бошидаёқ барча терим техникаси ишга шай қилиб қўйилади.

Ҳозирги пайтга келиб 24 та пахта териш машинаси, 3 та кўрак терувчи, 15 та кўсак чувиш механизмлари ва 109 та прицеп тайёрлик чизиғида турибди. Шу кунларда эса колхоз марказий устахонасида баҳорги экишда ишлатиладиган механизмлар ремонти бошлаб юборилди.

Ишни тез ва соз олиб боришда социалистик мусобақани тўғри йўлга қўйишнинг фойдаси катта бўлаяпти. Ҳар ой сўнгида бу мусобақага якун ясалади. Ғолиблар моддий ва маънавий рағбатлантириб борилади. Слесарь ремонтчилардан Эркин Маҳмудов, Ўрол Жиянқулов ва Турсунбой Аҳмедовлар қунлик нормаларни бир ярим — икки ҳисса бажариб, барчага ўрнак бўлишмоқда.

Р. ХУДОЕРОВ.

СУВЧИЛАР ТАШАББУСИ

ЧИНОЗ райони деҳқонлари бу йил 9265 гектар майдонга чигит экиб тўла ундириб олдилар. Далаларда мўл ҳосил учун қураш тобора авж олаяпти. Ғўзалар бегона ўтлардан тозаланиб бешинчи культивация ҳам ниҳоясига етказилмоқда.

Районда, айниқса, сувдан тежамли фойдаланишга катта эътибор берилмоқда. Яқинда комсомоллар ибратли ташаббус билан чиқдилар. «Қизил Октябрь» колхозидан Бахтиёр Ҳошимов, Карл Маркс номли колхозидан Нормуҳаммад Давлатов, «Ўзбекистон ССР 30 йиллиги» колхозидан Абдусаттор Сулаймонов, Киров номли колхозидан Бахтиёр Бойимбетов, Энгельс номли колхозидан Қамбар Тошжонов сингари ёш сувчилар барчани ҳар литр сувдан кўпроқ самара олишга, сув тақчиллигига қарши мавжуд имкониятларни ишга солиб ишлашга чақирдилар.

Ҳозирда районда ёш сувчилар сафи кенгайиб бораяпти. Саратонда ғўзаларни чанқатиб қўймаслик учун сувдан тежаб-тергаб фойдаланиш борасида ички имконият ва резервлар қидириб топилаяпти. Колхоз ва совхозларда зовурлардан сув қўтариб берувчи 90 та насос ўрнатилди. Суғоришга қўшимча ишчи кучи ажратилди.

Н. АКТУРАЕВА.

* * *

Шунингдек, редакциямизга тошкентлик **М. Докторов**, паркентлик **М. Миркамолов**, ангренлик **М. Муҳамедов**, бекободлик **Х. Отақулов** ҳамда Тошкент районидан **Т. Дўсонов** ўртоқлар ҳам дала меҳнаткашларининг шу кунларда амалга ошираётган ибратли ишлари ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

ЗАМОНАВИЙ МАРОСИМЛАР—ҲАЁТГА

ОНАЛАРНИНГ БОРЛИГИ— БАХТИМИЗНИНГ ЁРЛИГИ

Чеҳраларида табассум, кўзларида нур жилоланиб турган бу оналарнинг кўксида қаҳрамонлик нишони ярқирайди. Улар бир-бирларни билан суҳбатлашар эканлар, бахтиёр замона, осуда ҳаёт, фаровон турмуш учун партия ва ҳукуматимиздан беҳад миннатдорликларини мамнунлик билан изҳор этадилар. Улар кулгисидан дунё ёришгандек, меҳридан ҳаёт файзга тўлгандек. Бу бежиз эмас, албатта. 10 ва ундан ортиқ фарзандни воягa етказган ҳар бир аёлнинг умр йўли оламни мунаввар этгудек бир китоб.

«Оналарни шарафлаймиз», «Она-табаррук зот», «Таъзим сизга, муҳтарама оналар» шиорлари билан безанган боғ — «Дендропарк» оромгоҳи 200 дан зиёд қаҳрамон оналарни ўз оғушига олганда янада зеболаниб кетди.

Серфайз дастурхон атрофида ўтирган оналарни Тошкент район партия комитетининг биринчи секретари А. Тўрахонов қутлайди.

— Азиз онажонлар, — дейди у, — орамизда эл эъзози ва эътиборига лойиқ бўлган сиздек азиз ва муҳтарама инсонлар яшаётганлиги билан фахрланамиз. Биз сизларда ҳаётимизнинг кўрки ва мазмунини кўрамиз.

Райондаги «Олтин балиқча» номли 16-болалар боғчаси тарбияланувчилари оналарни шарафловчи шеър ва қўшиқлар ижро этишди.

—Мен бугун жуда бахтиёрман,— дейди Тошкент районидаги 15-мактабда 38 йилдан буён ўқитувчилик қилаётган Саодат опа Аҳмаджонова. — Чунки шу ерда бир неча йиллар мобайнида кўришмаган болаликдаги дугонам Мели Абдуллаевани учратдим.

Дарҳақиқат, икки дугона оила, меҳнат, қолаверса болалар тарбияси билан банд бўлишиб бир неча йиллар давомида учрашишмаган эди. Бугун эса уларнинг икковлари ҳам «Қаҳрамон она».

Даврага 5 та янги онла— келин-куёвлар кириб келишди. Район ЗАГС мудираси Шаҳодат Ашрапова уларга никоҳ гувоҳномаси топширди. Зуҳра ва Шуҳрат Муҳамедовлар, Шоҳиста ва Комил Набиевлар, Гулбаҳор ва Муроджон Нишонбоевлар, Гулчеҳра ва Комил Эргашевлар ҳамда Дилфуза ва Баҳром Маъмуровларга қаҳрамон оналар гулдасталар тақдим этишди.

Область Ленин комсомоли мукофоти лауреати, лирик хонанда Хожиакбар Ҳамидовнинг дилрабо қўшиқлари, Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист Эргаш Каримов, Роза Каримовалар ижросидаги «Биринчи му, ҳаббат» интермедияси, район маданият уйи бадиий ҳаваскорлари ҳамда «Алёр» фольклор ансамбли концерт программалари кечага янада файз киритди.

Шу куни райондаги қаҳрамон оналар сафи яна 4 тага кўпайди. Ўзбекистон ССР социал-таъминот министри Ҳосият Ёқубжонова, Гулзор Сайдалиева, Татигул Маметова, Жўрахон Ҳасанова, Фотима Иброҳимовалар кўксига «Қаҳрамон она» медалини тақиб қўйди.

Р. УСМОНОВА.

▲ Суратларда: «Қаҳрамон оналарни шарафлаймиз» адабий-бадиий кечасидан фотолавҳалар.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ФОЙДАЛИ КУШАНДАЛАР ФАБРИКАСИ

ОЛИМ Мансуров биолаборатория қошида биофабрика ташкил этиш ҳақидаги фикрини институт дирекциясига айтди. Бу таклиф қўллаб-қувватланди. Орадан кўп ўтмай Ўзбекистон сабзавотчилик, полизчилик, картошкачилик илмий-текшириш институтида биофабрика иш бошлади. Ўтган вақт ичидаёқ бу ерда тайёрланган фойдали ҳашаротлар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришда катта фойда келтирди. Кузги тунлам, кўсак қурти, ўргимчаккана ва бошқа бир қатор зараркунанда ҳашаротларнинг тухумига қарши ишлаб чиқарилаётган трихограмма сабзавот, пахта ва бошқа экинлардан мўл ҳосил олишни таъминламоқда.

— Биз келгусида биофабрикани янада кенгайтиришни режалаяпмиз,— дейди фабрика директори, биология фанлари кандидати О. Мансуров.— Бу ерда етиштирилаётган фойдали кушандалар эндиликда республикамизнинг Жиззах, Бухоро, Самарқанд ва бошқа областларига ҳамда қардош Туркманистон ва Қозоғистон республикаларига ҳам жўнатиляпти.

Айни кунларда ҳам биофабрикада иш қизғин. Кечки экинларнинг зараркунандаларига қарши трихограмма ишлаб чиқарилмоқда ва хўжаликларга жўнатилмоқда. Файзулла Эшбоев, Мукамбар Қурбонова, Ҳожиниса Набиева каби фабрика ишчилари бу борада баракали меҳнат қилишаяпти.

Г. ШЕРМАТОВА.





□ **Паркент канали областимиздаги йирик обн-ҳаёт шахобчаларидан ҳисобланади. Кўп кишилик бинокорлар ва монтажчиларнинг фидокорона меҳнати билан яратилган бу иншоот қишлоқ хўжалигига хизмат қилмоқда. Ундан оқиб бораётган обн-ҳаёт минглаб гектар майдондаги экинзорларга таралмоқда. Ушбу суратларда канал насос станциясининг машина залини (чапда) ва каналнинг насос станциясига сув оқиб борадиган қисмини кўриб турибсиз.**

А. Мальцев фотолари.

ШИОРЛАРИ— ЖАДАЛЛАШТИРИШ

ҚИШЛОҚЛАРДА ҲОВЛИ ТЎЙЛАРИ

ТОШКЕНТ. «Узагропромстрой»нинг пойтахт областидаги 1-трести коллективи бинокорлик ишлари суръатини тобора жадаллаштириш натижасида қишлоқларда кооператив уй-жойлар тиклаш борасида юксак ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлмоқда. Қишлоқ қурувчилари ўн иккинчи беш йилликнинг тўнғич йили биринчи ярмида плондаги 4600 квадрат метр ўрнига 5573 квадрат метр уй-жойларни сифатли қуриб битказиб, фойдаланишга топширдилар. Бошқача қилиб айтганда, қишлоқ меҳнаткашлари оилаларидан 100 га яқини янги коттежларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйлари ўтказишди. Шу даврда кооператив уй-жойлар қуриш соҳасида 1 миллион 28 минг сўмликдан кўпроқ қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Бу белгиланган планга нисбатан 405 минг сўмлик кўпдир.

Қишлоқда кооператив усулда уй-жойлар бунёд этишда мана шу трестнинг Коммунистик районидаги 98-, Ғалаба районидаги 71-хўжаликлараро механизациялашган кўчма колонналари ва бошқа қатор қурилиш ташкилотлари коллективлари юқори кўрсаткичларни таъминламоқдалар. Юқорида номлари тилга олинган механизациялашган колонналар коллективлари эса ярим йил давомида ўн бир ойлик план топшириқларини уддаладилар. Айни пайтда эса қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва кооператив уй-жойларни фойдаланишга топшириш юзасидан белгиланган йиллик планларини бажариш арафасида турибдилар.

Мана шу ташкилотлардан Фарид Ҳабибуллин, Борис Сон, Асқаржон Каримов сингари тажрибали ишчилар етакчилигидаги комплекс бригадалар коллективлари Ғалаба районидаги Ҳамза номли, Димитров номли, Киров номли колхозларда, машъал бинокорлар Шахдам Ҳамидов ва Хурсан Адашовлар раҳбарлигидаги хўжалик ҳисобидаги комплекс бригадалар аъзолари Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхозида уй-жойларни қисқа муддатларда қуриб битказиб, дала меҳнаткашларининг олқишига сазовор бўлмоқдалар. «Коммунистик меҳнат бригадаси» деган юксак ном олиш шарафига муяссар бўлган Мирсаъди Эгамбердиев бошчилигидаги комплекс бригада эса Коммунистик райони маркази — Янгибозорда 98-МПМК қурувчиларининг ўзлари учун бунёд этилаётган кооператив уйларда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар.

Умуман, қувончлиси шундаки, пойтахт областининг бу қишлоқ бинокорлари давр талабига ҳамоҳанг — жадал суръатда ишламоқдалар.

А. ЗОКИРОВ,
«Узагропромстрой» бирлашмаси матбуот маркази мухбири.

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

КПСС СЪЕЗДИНИНГ МАТЕРИАЛЛАРИ БОЛГАР ТИЛИДА

СОФИЯ, 4 август. (ТАСС). «Партиздат» нашриёти КПСС XXVII съезди материаллари тўпламини болгар тилида босмадан чиқарди. Тўпламга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев съездда қилган КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий доклади, КПСС Программаси ва Устави, шунингдек 1986—1990 йилларда ва 2000 йилгача бўлган даврда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Асосий йўналишлари киритилган. Китобда БКП Марказий Комитетининг Бош секретари Т. Живковнинг съездда сўзлаган табрик нутқи босилган.

СОВЕТ ТАШАББУСИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА БАҒИШЛАНГАН МИТИНГЛАР

КОБУЛ, 4 август. (ТАСС). Шу кунларда демократик Афғонистоннинг кўпгина вилоятларида АДРдаги совет қўшинлари чекланган контингенти составидан бир нечта қисмнинг ватанига олиб кетилиши тўғрисидаги Совет-Афғонистон аҳдлашувини қўллаб-қувватлашга бағишланган митинглар ва йиғилишлар бўлиб ўтмоқда. Мозори—Шариф шаҳрининг ўн минглаб аҳолиси бу тадбир Афғонистон теварагидаги аҳволни тезроқ тинч йўл билан бартараф этишга қаратилганлигини айтиб, уни табрикладилар. Мавлавий вилоятининг таниқли руҳонийси Муҳаммад Ҳасан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Владивостокда эълон қилган қарор совет давлатининг Ўрта Шарқ регионида кескинликни пасайтиришга кўмаклашишга астойдил интилаётганлигининг янги далилидир, деди.

Фарёб вилоятининг маъмурий маркази Майман шаҳрида ўтказилган оммавий митингда сўзга чиққан афғонлар Совет Иттифоқи билан Афғонистонни боғлаб турган қардошлик алоқалари тўғрисида гапирдилар. Улар Афғонистон экономикасини, илм-фан ва маданиятини ривожлантиришга СССР қўшаётган ҳисса тўғрисида, Апрель революцияси ғалабаларини чет эл агрессиясидан ҳимоя қилишда у бераётган интернационал ёрдам тўғрисида гапирдилар.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

▲ ДЕҲЛИ

Ҳиндистон пойтахтида қўшилмаслик ҳаракатининг 25 йиллигига бағишланган халқаро семинар ўз ишини тугатди. Семинар қатнашчилари ҳамма кучларни халқаро тинчликни мустаҳкамлаш учун курашга, қуролсизланишга, ёш суверен давлатларнинг озодлигини империализм кирдикорларидан ҳимоя қилишга сафарбар этишда қўшилмаслик ҳаракатининг муҳим аҳамиятини таъкидладилар.

Деҳлида тўпланган 40 мамлакат делегатларининг нутқларида инсониятнинг ўзига хатар солувчи хавфли ҳарбий тайёргарликни авж олдираётган АҚШ ҳозирги маъмуриятининг ҳатти-ҳаракатлари қаттиқ танқид қилинди. Семинар қатнашчилари Осиё—Тинч океани регионида хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган совет ташаббусларининг муҳимлигини таъкидладилар.

▲ МАНАГУА

Никарагуа президенти Даниэль Ортега Қўшма Штатларга қилган сафаридан Манагуага қайтиб келди. Никарагуа раҳбари АҚШда бўлган вақтида Нью-Йоркда БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фавқулодда мажлисида нутқ сўзлади. Хавфсизлик Кенгашининг мажлиси Никарагуа халқига қарши Америка агрессиясини дарҳол тўхтатишни талаб қилган Гаагадаги халқаро суд қарорини бажаришдан Рейган маъмурияти воз кечиши муносабати билан Никарагуа илтимосига мувофиқ чақирилган эди.

Даниэль Ортега Чикаго шаҳрида Никарагуанинг Қўшма Штатлар билан муносабатларини нормаллаштиришга ҳамда Марказий Америкадаги тангликни тинч йўл билан ҳал этишга қаратилган янги таклифларини баён қилиб берди.

▲ ГАВАНА

Бу ерга келаётган маълумотларга қараганда, Сальвадордаги қўзғолончи ташкилотлар ва маъмурлар ўртасида музокараларни ташкил этишда воситачилик қилаётган Сан-Сальвадор архиепископи Артуро Ривера и-Дамас ҳукмрон режим бошлиғи Дуарте билан учрашди. Дин арбоби унга мамлакатнинг партизанлар контроли остида бўлган районларига икки кунлик сафари натижалари тўғрисида ахборот берди. Шу сафар давомида у Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик фронти бирлашган революцион раҳбарлиги вакиллари билан учрашган эди. Пренса Латина агентлиги музокараларнинг учинчи давраси ўтказиладиган вақт ва жой яқин кунлар ичида эълон қилинади, деб таъкидлади. Маълумки, америкапараст Дуарте режими айби билан бу музокаралар тўхтатиб қўйилган эди.

(ТАСС, 4 август).

НИЯМИРАДАГИ ФОЖИА

НАЙРОБИ. Кениянинг Ниямира шаҳрида бўлган қаттиқ момақалдироқ фожиали туғади. Ўн киши чақмоқ уриб ўлди, ўн икки киши қаттиқ куйди. Мамлакатнинг жанубий-ғарбида, Виктория кўли яқинидаги шу районда тез-тез кучли момақалдироқлар бўлиб туради. Шунга қарамай, кўпгина иморатларнинг яшин қайтаргичи йўқ. У ерда кейинги 20 йил ичида чақмоқ уришидан 6 мингдан кўп киши ҳалок бўлди.

(ТАСС).

УКРАИНАЛИКЛАР ТАЖРИБАСИДАН

СИГИРЛАР УЧУН ДУШХОНА

Бу воқеа шу йилнинг март ойида бўлган эди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозида область колхоз-совхозлари сут-товар фермалари мутахассисларининг бир кунлик ўқиши ўтказилди. Унда областнинг турли районларидаги колхоз ва совхозлардан келган чорвадорлар билан сутни кўпайтириш, илғорлар тажрибаси, фан-техника ютуқлари ва уларни чорвачиликда қўлланиш усулларини ўрганишга бағишланган машғулотлар пировардида тингловчиларга Украинадаги хўжаликлардан биринг сут-товар фермаси фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи фильм кўрсатилди. Тошкент районидаги «Тошкент» совхози сут-товар фермасининг инженер-механиги Комил Ғаниев ва бош зоотехник Платон Иванович Югайлар ёнма-ён ўтириб фильмни томоша қилишарди. Экранда махсус қурилган душхонада чўмилтирилаётган сигирлар кўрсатила бошланди. Диктор бу усул ҳар бир сигирдан олинаётган сут миқдорини кўпайтиришга ёрдам бераётгани ҳақида гапирарди.

— Қара, Комилжон, жуда зўр-ку,— деди бош зоотехник унга томон бир оз энгашиб.— Ўзимизда шу нарсани ташкил этсак қандай бўларкин?

— Мен ҳам шуни ўйлаётгандим, Платон Иванович, — деди Комилжон,— ўз кучимиз билан қурсак бўлади, унчалик мураккаб эмас.

Комилжон уйга қайтди ҳамки, ҳаёлидан кинода кўрганидек душхона қуриш режаси кўтарилмади.

Ўқишдан қайтганига 5—6 кун бўлиб қолганди. Кунлардан бир кун ўша кинода кўрганлари асосида ўзича алланарсаларни чизиб ўтирганда, совхоз директори Маҳамаджон ака Усмонов келиб қолди. Улар саломлашар экан, директорнинг кўзи столдаги қоғозларга тушиб қолди.

— Ие, қандай чизмалар бу, ука?— қизиқсиниб сўради директор.

Комилжон ўқишга борганида кўрган ва эшитганларини гапириб берди. Уларнинг суҳбатига бош зоотехник Югай ҳам қўшилди. Яхши, ибратли ташаббусни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган М. Усмонов уларнинг гапини диққат билан эшитиб, бир оз ўйланиб турди-да:

— Бўпти, ишни бошлайверинглар, қандай ёрдам керак бўлса, тайёрмиз,— деди.

Шундай қилиб, фермада сигирлар учун душхона қурилиши бошланиб кетди. Совхоз раҳбарлари тез-тез келиб ишни назорат қилиб туришди. Мазкур қурилма бир йўла 30 сигирни чўмилтиришга мўлжалланган. Сув тўрт томонга ўрнатилган трубаларнинг ҳар 60 сантиметр жойидан очилган тешиклардан босим билан сигирларга урилади.

— Молларни ҳар куни бир маҳал, кечки пайт чўмилтирамиз,— деди ферма бош зоотехниги П. Югай.— Бу ишни амалга оширганимиздан бери фермада сут соғиб олиш 5 процентга кўпайди.

М. РИХСИЕВ,
«Шонли меҳнат» газетаси мухбири.

1987 ЙИЛ УЧУН ОБУНА БОШЛАНДИ

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»ГА ЁЗИЛИНГ!

Иттифоқимизнинг ҳамма жойларидаги каби республикамизда, жумладан областимизда ҳам 1987 йил учун газета ва журналларга обуна бошланди.

«Тошкент ҳақиқати» газетасига ҳам обуна бўлишни унутманг.

Бунинг учун «Союзпечать» агентликларига ёки иш жойингиздаги, ўқув юрти ва турар-жойингиздаги жамоатчи матбуот тарқатувчиларга мурожаат қилишингиз мумкин. Улар сизни келаси йил матбуот учун обуна қилиб қўйишади. 1 ноябрдан обуна бўлганларга эса газета 1987 йил февралидан бошлаб етказиб берилади.

Газетанинг ОБУНА БАҲОСИ: 1 йилга—6 сўм 60 тийин.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси редакцияси ўз ўқувчилари вақтини тежаш мақсадида обуна варақасини босиб тарқатишни лозим топди. Газетхон бу билан вақтдан ютади, шу сонда илова қилинаётган обуна варақасини тўлдириб «Союзпечать»нинг турли агентликлари ҳамда жамоатчи матбуот тарқатувчиларга топширишингиз мумкин.

(Варақанинг орқа кўриниши 4-бетда).

Ф. СП-1

Министерство связи СССР «Союзпечать»

АБОНЕМЕНТ на газету 64672 (индекс издания)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ Количество комплектов 1

на 1987 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

ДОСТАВОЧНАЯ КАРТОЧКА

ПВ место лит. на газету 64672 (индекс издания)

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Стоимость подписки — руб. — коп. перенадресовки — руб. — коп. Количество комплектов 1

на 1987 год по месяцам:

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Куда (почтовый индекс) (адрес)

Кому (фамилия, инициалы)

ЁЗГИ КАНИКУЛ ҚАНДАЙ ЎТМОҚДА?

«АРТЕК»КА

▲ ҲАР йили Бутуниттифоқ пионерлар лагери «Артек»ка республикамиз мактабларининг энг муносиб ўқувчилари юборириладилар. Ўқишда, жамоат ишларида ўрнак кўрсатган бу болаларнинг яхши дам олишлари учун у ерда катта қулайликлар яратиб берилган.

Бу йил ана шу лагерда Ўзбекистонлик 130 нафар пионер дам олади. Турли миллат вакилларининг фарзандларидан иборат бу отряднинг бир группаси «Артек»ка жўнаб кетди.

Лагерга бораётганимдан хурсандман,— дейди Киров районидаги Гагарин номли 22-болалар уйи тарбияланувчиси, 6-синф ўқувчиси В. Нажмиддинова.— Мен у ердаги янги дўстларимга азиз ва қадрдон шаҳрим — Тошкент, унинг гўзал жойлари, ажойиб манзаралари ҳақида ҳикоя қилиб бераман.

Венеранинг Г. Алиқулова, Г. Мирзаева, С. Агапитов, Р. Садриддинов, В. Евланкиев каби дўстлари ҳам у билан бирга «Артек»ка кетишди.

Улар сафида Собир Раҳимов, Чилонзор районларидаги болалар уйининг пионерлари ҳам бор. Бу ўқувчилар «Артек»даги дўстларига ҳар хил значоклар коллекциясини, ранг-баранг откриткалар, сувенирларни совға тариқасида тақдим этадилар.



БУТУН КУН БЎЙИ

▲ ПОЙТАХТИМИЗНИНГ Ҳамза районидаги 145-мактабда ташкил этилган лагерга етиб келганимизда болалар қўғирчоқ театрини томоша қилиб келиб, эндигина тушликка ўтиришган экан. Уларнинг қувончлари чексиз, театрдан олган таассуротларини сўзлашади.

— Рихсия опа, менга қўғирчоқ театри жуда ёқди, яна олиб борасизми?— сўради 7 ёшли Марина.

— Албатта, ҳали театрларга кўп борамиз,— жавоб қилди Рихсия опа.

Бу ерда ҳар йили район меҳнаткашларининг 100 дан ортиқ ўғил ва қизлари ёзги каникул кунларини кўнгилли ўтказаяптилар. Гарчи болаларнинг дам олишлари икки сменада ташкил этилган бўлса-да учинчи сменада дам олишни хоҳловчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Н. ТОЖИЕВА.

ҲАМ МЕҲНАТ, ҲАМ ХОРДИҚ

▲ ОҲАНГАРОН районида ўқувчилари ўз районларида ёзги каникулларини колхоз ва совхозлар, корхоналар қошида ташкил этилган дам олиш ва меҳнатда чиниқиш лагерларида ўтказмоқдалар.

Шу кунларда «Меҳнатроҳат» лагерларида район аҳолисининг 3200 нафар фарзанди дам олмоқда. «Оҳангарон», Ворошилов номли, «Галлақудуқ» совхозларидаги лагерларни алоҳида кўрсатиш мумкин.

М. ҚАЮМОВ.

□ Пойтахтимиздаги Тельман номли маданият ва истироҳат боғининг янги тренажерлар спорт зали дастлабки дам олувчиларни қабул қилиб олди. Бу ерда спорт ва маданий асбоб-анжомлари прокат пункти, «Ягодка» кафеси, оригинал аттракционлар ишламоқда. Суратларда: (юқорида) болалар сув аттракциони; (пастда) маданият ва истироҳат боғи духовой оркестри.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН—ХХР

ДЎСТОНА САФАР БИЛАН

ЎТГАН йили Ўрта Осиё республикалари, шу жумладан чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-алоқалар Ўзбекистон жамияти вакиллари Хитойда меҳмон бўлган эдилар. Шу ташриф вақтида дўстлик ва маданий алоқаларни янада мустаҳкамлашга аҳдлашилганди. Шунга мувофиқ куни кеча Хитой-Совет дўстлик жамияти раисининг ўринбосари Лян Гэн бошчилигидаги делегация Тошкентга келди. Чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамиятида республикамиз меҳнаткашлари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда делегация бошлиғи Хитой халқ республикасининг бугунги иқтисоди ва маданий ютуқлари ҳақида сўзлаб берди. Айниқса, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачевнинг Владивосток ва Узоқ Шарқ бўйлаб сафарларидаги нутқида Совет-Хитой иқтисодий, маданий алоқаларини кенгайтириш ҳақидаги фикрини юқори баҳолаб, уни тўла маъқуллади.

Делегация аъзолари пойтахтимизда уч кун бўлиб, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини бориб кўрдилар. Улар В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкентдаги филиалини зиёрат қилдилар. Тошкент районидаги Охунбобоев номли колхоз аъзолари меҳмони бўлишди. Бундан ташқари, Санъат музейи ҳамда Ўзбекистон Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси экспонатлари билан танишдилар.

САНЪАТ ОЛАМИДА

ТЕАТРНИНГ ЯНГИ МАВСУМИ

КУНИ КЕЧА Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри ўзбек совет драматургиясининг асосчиси Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг «Бой ила хизматчи» драмасини намойиш қилиш билан ўзининг навбатдаги 69-мавсумини бошлади. Мазкур спектаклдаги етакчи ролларни театрнинг кўзга кўринган санъаткорлари, шунингдек, ёш актёрлар ижро этдилар.

Театр репертуари кейинги пайтларда Н. Гоголнинг «Ревизор» комедияси, Ч. Айтматов романи асосида саҳналаштирилган «Асрга татигулик кун», Ў. Умарбековнинг «Курорт» сингари саҳна асарлари ҳисобига бойиди. Санъат мухлислари бу спектакларни илиқ кутиб олдилар. Ижодий коллектив бу асарлардан ташқари, янги мавсум давомида Ф. Достоевскийнинг «Телба» романи асосида тайёрланган спектаклни, В. Доэрцевнинг «Сўнгги қабул», Уйғун ва И. Султоннинг «Алишер Навоий» драмаларини ҳам томошабинларга тақдим этиш ниятида изланмоқда.

41 йилдан сўнг

Улуғ Ватан урушининг сўнгги йили. Қўшинларимиз гитлерчи газандаларни кўз очирмай қақшатишарди. Фронтнинг олдинги марраларида жанг қилаётган 214-артиллерия полки сафида ўратепалик Очилали Ашрапов ҳамда ғиждувонлик Муҳаммад Ҳамиятов лар ҳам бор эди. Урушнинг биринчи кунлариданоқ елка ма-елка туриб жанг қилган, оғир дамларда бир-бирларига кўмакдош бўлиб синалган икки дўст сира ажралмас эдилар. Чехословакия озодлиги учун шиддатли жанг борарди. Кутилмаганда жангчи М.Ҳамиятовни бошқа қисмга юборишга тўғри келди. О.Ашрапов эса ўша куни жанговор операцияда қатнашаётганлиги сабабли дўстлар хайрлашишга ҳам улгурмадилар...

Уруш тугади. Ҳар икки жангчи ўз она-диёрига, оилалари бағрига қайтишди. Лекин улар бир-бирлари тақдиридан бехабар эдилар. Очилали Муҳаммаднинг адресини билмас эди. Муҳаммад эса орадан 3-4 йил ўтгач Ўратепанинг «Қизили» қишлоғига, дўстига хат ёзди. Бироқ О.Ашрапов Ўратепадан Бекобод районининг Дзержинский номли колхозига оиласи билан кўчиб кетган эди...

О.Ашрапов қишлоқдаги мактабда ўқитувчилик қилди. Қуролдошлар бир-бирларини тез-тез эслаб, қумсашар, хатлар орқали излайдиган бўлиб қолишди. Орадан кўп йиллар ўтиб кетди...

Ўтган йилнинг кузида Очилали ака ўз томорқасида экинларни суғораётиб, радиодан «Ўратепа районидаги «Қизили» қишлоғида яшовчи Очилали Ашраповни қуролдош дўсти Муҳаммад Ҳамиятов изламоқда» деган сўзларни эшитиб қолди. Дарҳол Ғиждувонга, дўстига мактуб ёзди.

...Орадан 41 йил ўтгандан сўнг икки жангчи, Қизил Юлдуз ва III даражали «Шуҳрат» ордени кавалерлари О. Ашрапов ҳамда М. Ҳамиятовлар дийдор кўришдилар.

Р. ЭСОНОВ, А. ҲОЛМАТОВ.

ИРЛАНДИЯЛИК ЁШЛАР УЧУН КОНЦЕРТ

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг таклифи билан Ирландиядан келган бир группа ёшлар облластимизнинг шаҳар ва қишлоқларида меҳмон бўлишди. Жумладан, дўстона учрашувлардан бири Паркент районида ўтказилди. Район маданият уйининг «Паркент гуллари» ансамбли қатнашчилари меҳмонлар учун катта концерт қўйиб беришди.

Бахтиёр Йўлдошев, Машруба Мирҳожиева, Маъмура Мирахмедова, Шаҳло Рўзиева, Маҳфуза Қулматова, Феруза Икромова сингари ҳаваскор санъаткорларнинг маҳорати меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

М. МИРКАМОЛОВ.

«НАВБАҲОР» СТАДИОНИ

Паркент районидаги «Навбаҳор» совхози коллективи йил бошида ҳашар йўли билан стадион бунёд этишга аҳд қилган эди. Куни кеча ана шу стадионнинг очилиш маросими бўлиб ўтди. Шу куни «Навбаҳор» ҳамда «Бўстон» совхози меҳнаткашлари арқон тортиш, тош кўтариш, футбол ҳамда миллий кураш бўйича мусобақалашдилар. Беллашувда навбаҳорликлар ғолиб чиқишди.

ОЛТИ ЁШЛИЛАРНИ КУТИШАЯПТИ

БУ йил 485 нафар олти ёшли болани қабул қилиш кўзда тутилмоқда. Бунинг учун 12 та мактаб ва райондаги 3 та боғча базасида хоналар жиҳозлаб қўйилди. 25 нафар ўқитувчи ўз малакасини оширди.

Олти ёшлилар учун 96 минг сўмлик техник воситалар, кўргазмали қуроллар ва 175 минг сўмлик жиҳозлар ҳамда инвентарлар ҳарид қилинди.

С. СУЛТОНОВ.

ПОЛИГРАФИЯ ЯНГИЛИКЛАРИДАН

Йўлланма билан ҳунар ўрганишга

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Ёш гвардия» нашриёти қошида яна бир йирик полиграфия комбинати қурилиши олиб борилмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ янги босмахонанинг қатор цехлари қуриб бўлинди. Фотонабор цехи эса ишга тахт қилиб қўйилди. Бу ердаги электрон техника ёрдамида ишлайдиган аппаратлар текстларни жуда аниқ ва сифатли теришга мослаштирилган. Комбинат учун бевосита малакали ҳарф терувчилар тайёрлаш мақсадида нашриёт йўлланмаси билан бир группа ёшлар Можайск шаҳрининг 70-ҳунартехника билим юртига юборилдилар.

С. ОДИЛОВА.

МИКРОРАЙОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Оҳангарон шаҳридаги янги, 4-микрорайон йил сайин чирой очиб бормоқда. Замонавий услубда қад ростлаётган турар-жой бинолари, маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари шаҳарча кўркига кўрк қўшмоқда. Сўнгги бир йил мобайнида микрорайонда 1176 ўринли мактаб, 280 ўринли болалар боғчаси қурилиб, фойдаланишга топширилди, «Союзпечать» дўкони очилди.

Яқинда микрорайон аҳолиси яна бир туҳфа олди. 56 хонадон шаҳарлар қурилиш бошқармаси бунёдкорлари томонидан қуриб битказилган янги уйларда ҳовли тўйлари ўтказдилар.

Шу кунларда микрорайонда қад ростлаган яна битта 56 квартирали уйда пардозлаш ишлари ниҳоясига етказилмоқда.

О. ХУШНАЗАРОВ.

ҚАЛДИРҒОЧЛАР ШАҲАРНИ ТАРК ЭТИШМОҚДА

Италиялик орнитологлар қалдирғочларнинг камайиб кетаётганидан ташвишга тушиб қолдилар. Илгарилари баҳор элчилари эски уйларнинг бўғотларига бемалол уя қуриб кўпаярдилар. Олимлар қалдирғочларнинг камайиб бораётганига асосий сабаб дезинсекцион воситалардан жуда кўп фойдаланаётган саноат деб ҳисобламоқдалар. Заҳарли дорилар ҳашаротларни қириб юбормоқда. Натижада беозор қушлар очликдан ёки заҳарланган овқат еб, кўплаб ўлиб кетмоқдалар.

Милан университетидан олим Сильвио Тозо қалдирғочларнинг камайиб бораётганлигининг яна бир сабабини кўрсатди. Бу хил қушлар уя қуриш учун маълум хил биноларни танлайди. Замонавий бинолар эса илгариги жимжима ва бўғотсимон деталларга эга эмас.

БОШИДА КОМПАС БИЛАН

Ҳар кузда Американинг Атлантика қирғоғи бўйлаб сонсаноқсиз лангуста (улкан қисқичбақа)лар турнақатор тизилиб сузиб кетишади. Ипга тизгандек бир қатор бўлиб олган бу жониворлар маълум йўналишда сузиб бораверадилар. Уларни на ноқулай об-ҳаво, на қороғи — ҳеч нима йўлдан адаштира олмайди. Флоридадаги университет олимлари уларнинг йўлдан адашмай боришларига сабаб фақатгина денгиз оқими ва тўлқинлар йўналиши эмас, шу билан бир қаторда улар организмидаги ўзига хос ички «компас системаси» эканлигини айтмоқдалар.

НАМУНАЛИ ХИЗМАТ

«ТОШКЕНТ — «Тошкент» совхозининг 3-бўлими» маршрутида қатновчи автобус ҳайдовчиси Абдурасул Исмоиловни кўпчилик яхши танийди. У ўзининг 24 йиллик шофёрлик фаолиятининг 14 йилини Келес автобус-таксомотор паркида фидокорона ишлаб ўтказмоқда. Абдурасул аканинг сурати кўп йиллардан бери автопарк Ҳурмат тахтасидан тушмайди. Мунтазам ойлик, квартал планларини ошириб бажариб, йўловчиларга намунали хизмат кўрсатиб келмоқда. Совхоз аҳолисининг узоғини яқин қилаётган бу илғор ҳайдовчидан барча хурсанд.

Т. ДУСОНОВ.

Спорт

ИККИНЧИ ДАВРА БОШЛАНДИ

▲ Область физкультура коллективлари командалари ўртасида салкам 1,5 ойлик танаффусдан сўнг футбол бўйича область биринчилигининг иккинчи давра ўйинлари бошланди.

«А» ГРУППАДА пешқадамлик қилаётган Тошкент районининг «Умид» командаси шу куни Нариманова да «Водник» коллективи билан куч синашди. Ниҳоятда қизиқарли ўтган бу учрашувда келесликлар 2:0 ҳисобида ғалаба қозониб, пешқадамлик мавқеларини янада мустаҳкамлаб олдилар. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд қилинди: «Кооператор» — Шахтёр» — 2:0, «Чимган» — «Бўка» —6:1, «Сплав» — «Ғалаба» — 2:1, «Олмалиқ» — «Калинин» ўйини 4 октябрга кўчирилди.

«Б» ГРУППА. «Спартак» — «Цементник» —5:2, «Заря коммунизма» — «Оққўрғон» — 1:3, «Автомобилист» — «Халқобод» — 2:0, «УзССР 50 йиллиги» колхози — Охунбобоев номли колхоз — 1:3, «Экспериментальщик» — «УзССР 5 йиллиги» совхози ўртасидаги учрашув Ғалаба районининг командасининг номаълум сабабларга кўра ўйинга келмаганлиги туфайли ўтказилмади.

СССР ХАЛҚЛАРИ СПАРТАКИАДАСИДА

▲ Минск шаҳрида самбо бўйича ўтказилган мусобақалар ниҳоясига етди. Унда республикамиз вакиллари умумкоманда ҳисобида тўққизинчи ўринни қўлга киритишди. 62 килограммлик вазнда кураш тушган тошкентлик Абубакир Жуманиёзов спартакиаданинг бронза медалига, 100 килограммдан ортиқ вазнлилар ўртасида эса Александр Храмцовский кумуш медалга сазовор бўлдилар.

ТУЛА ВЕЛОТРЕКИДА

▲ Тула шаҳрида трек бўйича СССР чемпионати бўлиб ўтди. Унда тошкентлик А. Панфилов муваффақиятли иштирок этиб, бешинчи ўринни эгаллади.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИГИ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини бехато тўлғазишга ҳаракат қилинг!

Агар обуна «Союзпечать» агентлигида расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганлиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ЎРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручкаларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти ҳузуридаги Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг 2-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИНИНГ ФИЛИАЛИ 1986—87 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Филиал қўлда ҳарф терувчилар, машинада ҳарф терувчилар, печатниклар, муқовасозлар тайёрлаб чиқаради.

Ўқишга ўрта маълумотли йигит ва қизлар қабул қилинадилар.

Ўқиш муддати — 10 ой.

МАШҒУЛОТЛАР ГРУППАЛАРНИНГ КОМПЛЕКТЛАШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Ўқиш даврида 1 разрядли ишчи тариф ставкаси ҳажмида стипендия тўланади.

Улар фақат Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётида иш билан таъминланадилар. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар Тошкент шаҳрида пропискадан ўтказилиб, ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: паспорт, ҳарбий билет, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, медицина справкаси (286-форма), 4 дона (3х4 см.) ва 3 дона (4х6 см.) фотосурат.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ленин кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими, қабул вақти ҳар куни (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9 дан 16.00 гача.

ЕР ҚАЗИШ ИШЛАРИНИ БАЖАРУВЧИЛАР, КОЛХОЗЛАРНИНГ РАИСЛАРИ, СОВХОЗЛАРНИНГ ДИРЕКТОРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

Республикамиз территориясидан шаҳарлараро алоқа кабеллари ўтган. Бу кабелларнинг шикастланиши телевидение кўрсатувларининг тўхтаб қолиши, телефон сўзлашувларининг узилиши, телеграммалар етказиб беришнинг кечикишига олиб келади.

Кабелларнинг шикастланиши мамлакатимиз аҳолиси ва умуман давлат манфаатларига зарар етказади.

Алоқа кабеллари учун СССР ҳукуматининг кўрсатмасига биноан энига 4 метр оралиқда муҳофаза зонаси қолдирилган. Муҳофаза зонасида кабеллардан фойдаланувчи корхоналарнинг ёзма рухсатисиз ҳар қандай ер қазиш ишларини, шунингдек дарахтлар ўтказиш, омборлар қуриш, транспортлар турадиган жойлар ташкил этиш ва ҳоказолар ман этилади.

Шаҳарлараро алоқа кабеллари аҳоли пунктларидан ташқарида столбчалар ва огоҳлантириш белгилари билан белгилаб қўйилади.

Ана шу белгиларда кабель муҳофазаси зонасида ер қазиш ишларини бажариш зарур бўлиб қолган тақдирда мурожаат этиш шарт бўлган ташкилотнинг адреси ва телефон номери кўрсатилган.

Ўзбекистон ССР шаҳарларида ер қазиш ишларига фақат халқ депутатлари советларининг архитектура ёки коммунал хўжалиги бўлимлари томонидан бериладиган ордер бўйича рухсат этилади.

Рухсат олмасдан туриб қонунсиз равишда ер қазиш, тупроқ текислаш, кабель алоқаси трассаларида суғориш шохобчаларини ўтказиш сингари ишларнинг бажарилишига йўл қўйманг.

Тегишли рухсатномани қуйидаги адресдан олиш мумкин: 700152, Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 22-квартал, 11-уй. Телефон 74-96-49.

ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА КАБЕЛЛАРИНИ ШИКАСТЛАНТИРИШ ҚОНУН ТОМОНИДАН МАСЪУЛИЯТГА ТОРТИЛАДИ!

10-ТЦУМСнинг Иттифоқ магистраль алоқалар ва телевидение 4-техника узели.

ОЛИС МАНЗАРА ЯҚҚОЛ КЎРИНАДИ

БПЦ 10х50 ДУРБИНИ

ОЛИСДАГИ БУЮМЛАРНИ ЎН МАРТА КАТТАЛАШТИРИБ КЎРСАТАДИ.

Астрономик кузатишлар, лабораториялар ва дала шароитларида турли техник ва илмий ишларни бажариш, спорт мусобақаларини томоша қилишда бу дурбин жуда ҳам қўл келади.

Унинг ўткир нурли кўзгуси ҳаво булутли кунларда ҳам бутун атрофни яхши томоша қилиш имконини беради.

ДУРБИН ҲАЖМИ 191х190х66, ОҒИРЛИГИ 890 ГРАММ.



Баҳоси — 90 сўм.

«РАССВЕТ» Марказий реклама савдо агентлиги.

«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«ЛАДОГА-40 М» бар холодильниги

Асл навли ёғоч билан қопланган бу бежирим бар-холодильники хона жиҳозлари қаторидан муносиб ўрин олади.

У совутиш ва мўътадил ҳаволи хоналардан иборат. Музлатиш камераси ҳажми 40 дм3 иборат бўлиб, иккита олинадиган жавони, мева солинадиган идиш ва буғлатгичи бор. Муз ҳосил қилиш учун икки хил қолип қўйилган.

Мўътадил ҳаволи хонаси — эшикчали шкаф, тошойна ва ойнали жавон билан жиҳозланган.

Холодильникнинг тўпланиб қолган музи ярим автоматик тарзда эрийди.

«ТАШХОЗТОРГ» магазинларида «ЛАДОГА-40 М» БАР-ХОЛОДИЛЬНИГИНИ

СОТИБ ОЛИШ МУМКИН



«УЗХОЗТОРГ»НИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ.

Р. 08912. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64684. Б. 1893. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12